

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНДА ИНСОН ОМИЛИНИНГ ТИЗИМЛИ ТАЪЛИМ МЕХАНИЗМЛАРИДА АКС ЭТИШИ

Бердиев Хайридин Абдуллаевич
ТошДТУ, Ўзбекистон тарихи кафедраси т.ф.н (PhD), доц
Эсанов Алишер Олимович
ТошДТУ Ўзбекистон тарихи кафедраси катта ўқитувчиси

Аннотация

Мақолада мамлакатимизда амалга оширилаётган туб ислохатлар мазмун-моҳиятида инсон қадрини улуглаш – юртимизда яшаётган ҳар бир одамнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатларини таъминлашга қаратилганлиги ҳақида сўз боради. Бу борада жамиятимиз асоси бўлган маҳалла ҳал қилувчи ўрин тутади. Инсон омилининг тарбиявий аҳамияти бевосита олий таълим соҳасидаги яратиб берилаётган имкониятлар билан ўлчанади. Мақолада юртимизда фаолият олиб бораётган таълим муассасасаларининг инсон қадри-қиммати бўйича ишлари ёритилган.

Аннотация

В статье рассматривается о кардинальных реформах, проводимых в нашей стране, направленных на прославление человеческого достоинства - обеспечение прав и свобод и законных интересов каждого человека, проживающего в нашей стране. В этом отношении соседство, являющееся основой нашего общества, играет решающую роль. Образовательная ценность человеческого фактора напрямую измеряется возможностями, создаваемыми в сфере высшего образования. В статье освещается работа образовательных учреждений, действующих в нашей стране, над человеческим достоинством.

Abstract

The article deals with the cardinal reforms carried out in our country, aimed at glorifying human dignity - ensuring the rights and freedoms and legitimate interests of every person living in our country. In this regard, the neighborhood, which is the basis of our society, plays a decisive role. The educational value of the human factor is directly measured by the opportunities created in the field of higher education. The article highlights the work of educational institutions operating in our country on human dignity.

Калим сўзлар

Инсон, таълим, қадрият, жамоатчилик, бошқарув, назорат.

Ключевые слова

Человек, образование, ценность, общность, управление, контроль.

Keywords

Man, education, value, community, management, control.

Кириш

Инсоннинг мақсади инсон ҳаёти давомида жамиятда ўзига муносиб ўринга эга бўлишида шароитлар яратиш, ҳамда бунга ғов бўлувчи омилларни бартараф этишдир. Инсон маънавиятида ижтимоий муҳитнинг таъсири ҳамда илм-маърифат орқали жой олади. Таълимнинг инсонпарварлашуви, таълимга нисбатан бўлган турли-туман эҳтиёжларининг тўлдирилиши, миллий ва умумбашарий кадриятлар устуворлигининг таъминланиши, инсон, жамият ва атроф-муҳит ўзаро муносабатларининг уйғунлашувига қаратилган. Бугунги кунда инсон қалби ва онги учун кураш намоён бўлмоқда. Бу борада ижтимоий тармоқларнинг аҳамияти юксакдир. Яна бугунги кунда ижтимоий тармоқларнинг ўрни ҳам муҳим аҳамиятга эга, чунки ёшларимизни аксарияти ижтимоий тармоқларда вақтини ўтказишади.

Таълимга оид ислоҳатлар кўрсаткичи

Ўзбекистон Республикасида Олий таълим муассасаларининг сони 2023 йил март ойи статистик маълумотларига кўра 200 дан ортганлиги ёшларимиз ўртасида таълимга бўлган қизиқиш ва талабни ўсганлигидан далолат беради. Бу нарса эса албатта юртимиз фуқаролари учун ўз фарзандларини Олий таълим муассасаларида ўзлари танлаган мутахассисликлари бўйича билим олиш имкониятини яратмоқда, лекин бир муҳим масала ҳам юзага келмоқдаки, буни ҳал қилмасдан туриб юксак илмли кадрлага эга давлат қуриш муаммоси ҳал бўлмайди. Бу сифатли таълим ҳисобланади. Ушбу жараёнда ҳукуматимиз томонидан Олий ва ўрта махсус ҳамда мактаб таълимида дарс бериш сифатини ошириш мақсадида кўплаб ислоҳатлар амалга оширилиб келинмоқда. Таълим соҳасидаги ислоҳатлар самарадорлигини оширишнинг муҳим вазифаларидан бири- ривожланган ёки ривожланаётган мамлакатларнинг таълим соҳасида эришган ютуқларининг ўзимизга мос келадиган жиҳатларидан тажриба олишдир. Мазкур жараёнда Президентимиз томонидан хориж Олий таълим муассасалари билан турли соҳаларда ҳамкорлик алоқаларини олиб бориш учун кенг имкониятлар тизими яратилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги «2022 - 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги Фармонининг эълон қилиниши мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг изчил давоми бўлиб, эътиборли жиҳати шуки, юзта мақсаддан иборат бўлган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясининг бевосита биринчи мақсади маҳалла институти фаолиятининг самарадорлигини ошириш, уни жамоатчилик бошқаруви ва назоратининг таянч бўғинига айлантириш деб белгиланиши муҳим воқеа бўлди.

Тадқиқот методологияси

Аввало, мамлакатимизда амалга оширилаётган туб ислоҳатлар мазмун-моҳиятида инсон қадрини улуғлаш – юртимизда яшаётган ҳар бир одамнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатларини таъминлашга қаратилган. Бу борада жамиятимиз асоси бўлган маҳалла ҳал қилувчи ўрин тутди. Стратегиянинг муҳим эътиборли жиҳатларидан бири шундаки, Янги Ўзбекистон Тараққиёт стратегиясида биринчи ўринга шахс, инсон кадри юқори ўринга қўйилиб, “инсон

–жамият – давлат” деган янги тамойил асосида давлат ва жамият бошқарувини ташкил этади. Хусусан, унда белгиланишича, 2026 йилгача эҳтиёжманд аҳоли ижтимоий нафақа ва моддий ёрдам билан тўлиқ қамраб олинади. Бунинг яққол исботи сифатида 2022 йил 1 апрелдан Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида 1-4-синф ўқувчилари бепул овқат (нонушта ёки тушлик) билан таъминланадиган бўлди. Бу борада 2023 йил 1 январдан пенсияни ҳисоб-китоб қилишда иш ҳақининг максимал миқдори пенсияни ҳисоблаш базавий миқдорининг 10 баробаридан 12 баробаригача оширилиши белгиланди. Бир сўз билан айтганда, амалий натижа, инсон манфаати, унинг кадр-қиммати бош мақсадга айланиши керак..

Таҳлил ва натижалар

2018 йилдан бошлаб олий таълимга қабул квотаси 3 баробар оширилиб, 2022 йилда 182 минг нафар ёшлар учун талаба бўлиш имконияти яратилди. Бу – умумий қамровга нисбатан 28 фоизга ошганини кўрсатади. Бизга маълумки, бундан 2017 йилда бу рақам атиги 9 фоизни ташкил этарди. Бу борада давлат грантлари 21 мингтадан 47 мингтага кўпайтирилди эҳтиёжманд оилаларга мансуб 2 минг нафар қизларга ҳамда ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳам 2 минг нафарига 2022-2023 ўқув йилида олийгоҳларга кириш учун алоҳида грантлар ажратилди. 2030 йилга қадар битирувчиларни олий таълим билан қамраб олиш даражасини 50 фоизга етказиш режа қилинмоқда. Мамлакатимизда узлуксиз миллий таълим-тарбия тизимининг барча босқичларини уйғун ва мутаносиб ривожлантиришга алоҳида эътибор берилмоқда. Охириги 5 йилда болаларимизни мактабгача таълим билан қамраб олиш даражаси илгариги 27,7 фоиздан 2 баробар ортиб, 61 фоиздан ошди, боғчалар сони эса 3,5 марта кўпайиб, 14, 5 мингдан ошди. Қишлоқларда ишсиз ёшларни бандлигини таъминлаш мақсадида уларга 10 сотихдан 1 гектаргача ер майдонлари ажратиш бошланди. Ёшлар ўртасида камбағалликни камайтириш, уларни ўзини ўзи банд қилишга рағбатлантиришда “Ёшлар дафтари”, ёшлар дастурлари доирасида амалга оширилмоқда. Жумладан, “Темир дафтар”даги оилалар фарзандлари бўлган 2 мингдан зиёд талабанинг контракт пуллари тўлаб берилди. Юртимизда ота-онасидан ажраган, меҳрга муҳтож болаларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг таълим-тарбия олиши, иш жойи ва уйига эга бўлиши, жамиятда муносиб ўрин топиши, “Меҳрибонлик уйлари”, махсус мактаб-интернатлар ва “Болалар шаҳарчаси”нинг моддий-техник базаси, кадрлар салоҳиятини мустаҳкамлашга жиддий эътибор берилмоқда.

Яна бир нарсани алоҳида таъкидлаш жоизки, ёшлар билан ишлашнинг янгича бошқарув механизмларини жорий этиш, улар билан ишлашнинг вертикал тизимини яратиш, ёшлар муаммоларини бевосита маҳаллаларда ҳал этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг **2022 йил 19 январдаги «Маҳаллаларда ёшлар билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-92-сон Қарори** қабул қилиниб, мазкур қарор билан ҳар бир шаҳарча, қишлоқ, овулда, шунингдек, шаҳарлар, шаҳарчалар, қишлоқлар ҳамда овуллардаги ҳар бир маҳаллада ёшлар етакчиси лавозими жорий этилган бўлиб, уларнинг вазифалари белгилаб қўйилган.

Ушбу соҳадаги фаол ҳаракатларнинг давомийлигини Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 1 мартдаги «**Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида**»ги **ПҚ-146-сон Қарори** қабул қилинганида кўриш мумкин. Мазкур қарор билан маҳаллада хотин-қизлар фаоли лавозими ташкил этилиб, ушбу лавозимларга оила ва хотин-қизлар билан ишлаш тажрибасига эга, шахсий фазилатлари билан намуна кўрсатган, фидойи ва садоқатли номзодлар тайинланиши кўрсатиб ўтилди. Шунингдек, хотин-қизларнинг жамиятдаги ролини ошириш, гендер тенгликни амалга ошириш вазифаси юклатилди.

Янги таҳрирдаги Конституциямизнинг биринчи моддасида Ўзбекистон ижтимоий давлат экани белгилаб қўйилди. Бу борадаги энг катта соҳалардан бири таълимдир. Уни изчил ривожлантириш мақсадида, маъмурий ислохотлар доирасида Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги ташкил этилди [Янги Ўзбекистон газетаси, 2023 йил 23 май сони]. Тизимни таркибий мақбуллаштириш, замонавий дастурларни жорий қилиш, ходимларни рағбатлантириш чоралари кўрилмоқда. Шу мақсадда Президент Шавкат Мирзиёев 2023 йил 22 май куни пойтахтимиз Тошкент шаҳрида мактабгача таълим ва мактаб таълими тизимини ривожлантириш бўйича таклифлар тақдимоти билан танишди.

Тақдимотда қайд этилган маълумотларни қисқа сатрларда баён этилганида, мамлакатимизда янги 2023-2024 ўқув йилидан бошланғич синфларда хорижий тажриба асосида янги ўқув дастури жорий қилинади. Юқори синфларда ўқитиладиган фанлар 16 тадан 11 тага камайтирилиб, дастурларнинг фанлараро ва синфлараро интеграцияси таъминланади. Бунда 11 та мажбурий ва 2 та танлов фани татбиқ этилади. Янги ўқув йилидан информатика фани 1-синфдан ўргатилади.

Ҳозирда мавзуларнинг 70 фоизи кундалик ҳаёт билан боғланмагани ҳисобга олиниб, бундан кейин фанларнинг амалий машғулотлар улуши 40 фоиздан 60 фоизгача оширилиши режалаштирилган. Бунда танланган мавзулар аниқ муаммони ҳал қилиш орқали ўргатилишини амалиёт дарсларига мутаносиб тарзда лойиҳа ва уни бажариш шаклида ўтказилади.

Мактабларни малакали кадрлар билан таъминлаш мақсадида педагогларни сертификатлаш тизими йўлга қўйилади. Яъни ишга кираётган педагог 1 йил давомида ўқитувчистажёр сифатида фаолият юритиб, шу муддатда сертификат олиши керак бўлади.

Ўқитувчиларга малака тоифасини бериш бўйича синовлар 2 босқичда ташкил этилади. Биринчи босқичда талабгорнинг мутахассислик фани бўйича билими, иккинчисида педагогик маҳорати баҳоланади. Малака сертификати олган педагогларнинг ойлик маошига 70 фоизгача миқдорида устама тўланиши мумкин.

Шунингдек, боғчаларга малакали тарбиячиларни жалб қилиш учун 2024 йил 1 июндан уларнинг иш ҳақи ставкалари мактаб ўқитувчилариникига тенглаштирилади.

Умумтаълим мактабларига бюджетдан ташқари маблағлардан эркин фойдаланиш ҳуқуқи берилгани уларнинг моддий аҳволини яхшилаш ҳамда ўқитувчиларга қўшимча ҳақ тўлаш имконини бермоқда. Энди бу тартибни боғча ва ихтисослашган мактаблар учун ҳам қўллаш мўлжалланмоқда.

Малакали раҳбарлар муҳитини шакллантириш мақсадида ҳудудларда энг тажрибали директорлардан иборат “Директорлар кенгаши” ташкил этилади. Энди мактаб директорлари лавозимга мазкур кенгаш тавсияси билан очиқ танлов асосида тайинланади.

Шунингдек, вазирликнинг туман (шаҳар) бўлимларининг мактаблар фаолиятини текшириш ва таълим сифатини баҳолаш ваколатлари тугатилади. Хусусий мактабларни ташкил қилишда қўйилган талаблар енгиллаштирилади.

Хулоса ва таклифлар

Хулоса қилиб шуни қайд қилиш лозимки, сўнгги 5 йилда олий таълим, мактаб таълими ва мактабгача таълим бериш жараёнида тизимли таълимни йўлга қўйиш бўйича кўп бора тажрибалардан ўтган норматив-ҳуқуқий меъёрлари яратилди. Бу борада файласуф олим И.Сайифназаров айтганларидек, Ҳар бир мамлакатнинг тақдири муаллимга, таълим тизими сифатига боғлиқ [Янги Ўзбекистон газетаси, 2023 йил 19 май сони].

Зеро, Президентимиз таъкидлаганидек, ўқитувчи – келажак бунёдкори! Илм ва маърифатсиз одам йўлини йўқотиши, орзуларини рўёбга чиқаришига ақли ва тажрибаси етишмаслигини тарихдан яхши биламиз. Шунинг учун давлатимиз раҳбарининг сиёсий иродаси туфайли ўқитувчининг жамиятдаги қадр-қиммати юксалмоқда, у дастёрлик ва мажбурий меҳнатдан озод этилди, унинг қадрини тўкмоқчи бўлганлар жазога тортиладиган бўлди. Мактаб – билим маскани. Болалик ва ўсмирликда олинган билим умр бўйи инсонга дўст, ҳамроҳ бўлиб хизмат қилади. Илм – шахс такомили, тараққиёт йўли, демак. Алломаларимиз ёзадики, билимсизлик – барча ёмонликлар манбаи, билимсиз инсон ўзига энг катта ёмонликни тилаган бўлади. Бугунги ўқувчи ёки талаба, катта ёшдаги киши зеҳнли бўлса, мамлакатимиз ва жаҳонда рўй бераётган воқеа-ҳодисаларга холис баҳо беради ва ўз ҳаётини ўзгартиришга қодир бўлади.

Адабиётлар рўйхати:

1. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажакимизни мард ва олижаноб халкимиз билан бирга қурамиз. - Тошкент: “Ўзбекистон”, 2017. -491 б.

2. Топилдиев В.Р. Таълим-тарбия жараёнларини ташкил этишининг қонунчилик нормалари модули бўйича ўқув - услубий мажмуа, – Тошкент: ЎЗМУ нашриёти 2022 йил. – 150 б.

3. <https://lex.uz/docs/5841063>

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори, 19.01.2022 йилдаги ПҚ-92-сон <https://lex.uz/uz/docs/5831865>

5. https://www.norma.uz/uz/qonunchilikda_yangi/oila_va_hotin-qizlar_davlat_qumitasi_nimalar_bilan_shugullanadi